


Таъсис йиғилиши

Иш сўрашдан аввал меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиш бериш зарур, — дейди Ҳалима Баратова. — Хусусан, ёшларимиз компьютер билимини пухта ўзлаштириши учун шароит яратилди. Ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшма ташкилотининг жамиятимизда ташкил этилиши жуда катта фойда берапти.



Ишбилармонлар сафларини кенгайтиришмоқда

Тадбиркорлар томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 500 минг, Кўкғумбаз жоме масжидини таъмирлашга 1 млн., шаҳар маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларга 520 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.



Бола кулса, олам кулади

Ёшлар йилида Сирдарё вилояти бўйича 3300 нафар болани шаҳардан ташқаридаги 7 та ва мактаблар қошидаги 13 та ёғи оромгоҳда дам олдириш режалаштирилган. Бугунга қадар коллеж ва лицейлар қошида очилган оромгоҳларда 980 та бола дам олиб қайтди.



Insonga naf keltirish — oliy baxt


Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Яхшилик қадрини
халқ билур,
Халқнинг қадрини
мард билур.
ҲИҚМАТ

2008-yil 15-iyul
№ 84 (2497)
seshanba



Mustaqilligimizning
17 yilligi oldidan

Қашқадарё вилояти

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Қашқадарё мамлакатимизнинг бой тарихга эга ўлкаларидан биридир. Бу кўҳна замин узоқ тарихи давомида буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлганлиги билан жаҳон аҳлининг эътиборини тортиб келади. ЮНЕСКО бош конференцияси 32-сессиясининг ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида 2700 йиллиги нишонланган Қарши шаҳри инсоният тарихи ва маънавий хазинасини бойитишга катта ҳисса қўшган. Қаршидан 10-12 чақирим шимолроқда, Косон тарафга кетувчи йўл бўйлаб ҳайбатли деворлар билан ўралган қадимий обидани аҳоли Ерқўрғон деб атайдди. Археолог ва тарихчиларнинг фикрига кўра, ушбу маскан бундан 27 аср муқаддам Кешк рудининг Рудак (дарёча) деган ирмоғи бўйида, ҳозирги Қашқадарёнинг ўрта оқимида жойлашган. Кейинчалик Наҳшабидоло — юқори Наҳшаб, Нашибо, Нашиболо деб аталган бу жойлар ўрни ҳозирги Шулликтепа деб аталувчи обиди сарҳадига тўғри келади. Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Наҳшаб 7 — 8 асрларда Насаф деб атала бошланган.

Истиқлол нури — шаъним, ғурурим

ЧўЛНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ

Мустақиллик шарофати билан вилоят ҳар жиҳатдан ривожланди. Қашқадарёликлар нафақат галла мустақиллигини таъминлашга ўзларининг 750 минг тонналик ҳирмони билан ҳисса қўшапти, балки мамлакат агро-санотининг барча тармоғини ривожлантириш йўлида фидойиллик кўрсатишга эришди. Воҳадан ўтадиган Катта ўзбек трактининг икки томонида мезазор боллар яратилган. Бу ерлар бир вақтлар гиёҳ ўсмайдиган яйдоқ жой эди. Хосили гарқ пишиб етилган мезазорларга боқиб ўтган асрининг бошларида таърифи етти иклимга тараган Логмоннинг тилларар ҳусайни, маска ва келинбармоқ узумлари, Кўчакнинг асалдан тотли қора ва сариқ анжир, Тол ва Пистакентнинг кўча қовуни ва қарсиллаган бодиринг, Майма-ноқнинг сермағиз бодоми, ҳозирги пайтда ҳам бозор-

нинг олди бўлган Варганза анори, Шахрисабз шафтолиси, Яккабоғнинг хуштаъм ёнғоқлари эсга тушади. Минг хил ноз-неъмат макони бўлмиш Қашқадарё аввало танти ва меҳнатсевар дехқонлари билан тилга тушган. Оплоқ соқоллари ярашган халқ селекционери Ҳаким бобо Усмоновни қашқадарёликлар яхши билишди. Ёши тўқсонни қоралаган табаррук қариянинг бутун умри дехқончилик билан ўтган. Эликдан ортиқ қовун-тарвуз навларини яратиш, элда обрў орттирган. Отанинг мўмин-қобил, меҳнатқаш фарзандлари бор. Катта ўғли Бован Усмонов донддор фермерлардан, сенатор. Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонунларни қабул қилишда фаол қатнашмоқда. Ҳаким бобо яшайдиган Пахтаобод қишлоғи Қарши

дашти бўсағасида жойлашган. Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ирригация-мелиорация ишларига алоҳида эътибор қаратилаёпти. Жумладан, 2007 — 2010 йиллари биргина Қарши насос станциялари қасқадин тиклашга 36,6 млрд. сўм сарфлаш режалаштирилганлиги экинлар ҳосилдорлигини, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Қашқадарёнинг ун соҳидаги Парғуза қишлоғида Носир Бозоров деган бобон яшайди. Ёш бўлса ҳам кўпларга бош бўлиб келатган тажрибали бобоннинг боғида меванинг ҳамма туридан бор. Косон туманининг Сайёб қишлоғида яшовчи Норқурбон бобо Тўтаевнинг боғида ям-яшил арча ва қарағайлардан тортиб япон сафорасигагача мавжуд. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, воҳанинг тоғ ва тоғ ёнбағирларида,

чўлларида 215.776 гектарлик улкан ҳудуд ўрмонлар ихтиёрида бўлиб, унинг 67.289 гектари ўрмонлардир. Ёшлар йилига бағишлаб шаҳар ва туманларда ўттиздан ортиқ мезазор боғ яратилди. Шахрисабз, Яккабоғ туманларида жойлашган «Ҳисор» тоғ-ўрмон кўриқхонасида Ўзбекистон «Қизил китобини» киритилган ўсимликларнинг 38, ҳайвон ва паррандаларнинг 100 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Кўрилатган чора-тадбирлар туфайли боллар қулф уриб, шаҳар ва қишлоқлар оқиб бўлиб бораёпти.

ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ Қарийб уч минг йиллик тарихга эга Қарши бугун ўзгача чирой касб этган. Ойдин кечаларни чароғон эътифти минглаб чироқлар ҳар бири 850 минг киловатт-соат энергия берадиган тўрт блокли Талимаржон иссиқлик электр стан-

циясидан нур олади. 250 минг киши яшайдиган шаҳарнинг яхлит мейвдорий ансамблига уйғунлашиб кетган Мустақиллик майдони ҳар бир қашқадарёлик учун азиз ва мўътабар. Бош майдонда Юртбошимиз ғояси асосида яратилган «Эл-юрт таянчи» номи бир обиди бор. Унинг пойи ҳамиша гулгара тўла, атрофи гавжум. — Ушбу ёдгорлик вилоят аҳлига ҳам, четдан келатган сайёҳларга ҳам бирдай манзур бўлмоқда, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Надежда Царкова. — Чунки унда Қашқадарёни бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган меҳнатқаш оила тасвирланган. — Воҳамизда 161.188 нафар уруш ва меҳнат ветерани ҳисобда туради, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Ян-

Янгиликлар

панорамаси

Омбудсман билан ҳамкорлик

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда Конституция ҳамда амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлаш борасида Омбудсман институти ҳам алоҳида мавқега эга бўлиб бормоқда.

Яқинда Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича суд ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлиги» мавзусида ташкил этилган амалий семинарда ҳам юқоридоғи фикрлар ўз тасдиғини топди. Семинар Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан ҳамда Республика Адлия, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ўзбекистон судлар ва адвокатлар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Республика Олий Махлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ҳамда ЕХТТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, элчи Иштван Венцелнинг маърузалари тингланди. Анжуманда «Дунё Омбудсманлари» китобининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Ёшлар — Ватан таянчи

Зомин туманида ёш ўқитувчи-мураббийлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, стритбол турлари бўйича ўзаро куч сынашди. Мусобақалар Даштобод шаҳридаги 39-мактаб ҳамда туман марказидаги «Зомин» стадионида бўлиб ўтди. Унда 300 нафарга яқин ўқитувчи-мураббий голиблик учун курашди. Голиб чиққан жомаларга туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вакилининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

А.СОДИКОВ, Жиззах вилояти

Қизиқарли учрашув

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 17 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика ва вилоят ижодкорларидан иборат шеврий тартибот гуруҳларининг жойларда ранг-баранг учрашувлари бўлиб ўтаётди. Навоий вилоятининг Навбахор, Кармана, Қизилтепа туманлари ҳамда Навоий Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган ижодий учрашувлар ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбирларда «Дугорчи қизлар» баддий жамоасидан ташриф буюрган санъаткорлар чиқишлари ҳам томошабинларга манзур бўлди. Шоҳида РУСТАМОВА, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Фаолиятта назар

Фаровон ҳаёт учун биз ҳам масъулмиз

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Чори Шодиев билан суҳбат

— Соҳа ходимларига ҳеч бир замонда бўлмаган имтиёз ва қўлайликлар яратиб берилмоқда. Бозорларимиз тўқинлашиб, маданий-маиший ҳаётимиз тобора яхши-лашиб бормоқда. Лекин, маълумки, хотир-жамликка берилган жойда ўсиш бўлмайди. Ютуқларимизни янада кўпайтириш, тадбиркорлик ҳаракатини янги, янада юксак даражага кўтариш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим? — Бирин бир халқнинг турмуши тарзи ва керак бўлса, кайфиятини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини айлан, деб бежиз айтишмайди. Ҳозир айни ёз фасли, чилла. Бозорларимизга бир бош суқунга, оёқ қўйгани жой тополмайси. Куз келин, мўл-қўлчиликни ана унда кўрасиз! Дийримизни жаннатга қўйсақларимиз, дарҳақиқат, улук ҳўқият бор. Бугун бир ҳақиқатни аниқ-равшан айтишимиз мумкин: мамлакатимиз раҳбариятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари,

тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг кўмаги ва албатта, тадбиркорлик фаолияти юргизишда тажриба ортиси натижаси ўлароқ, янги мулкдорлар синфи Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлади. Дикқатга молик жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни эркинлаштириш ва рағбатлантириш юзасидан бошланган хайрли ишлар йил сайин тобора кенгроқ қўлаб касб этмоқда. Бизнесни рўйишга олиш, иктиврий равишда ёпиш ва тутатиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнилари содда-лаштирилди ва айримлари бутунлай бекор қилинди. Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилди ва жорий йилда кичик бизнес ва хусусий субъектлар, фермер хўжалиқлари учун ягона солиқ ставкаси 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилдиш кўзда тутилмоқда. Ҳамма гап ана шу имкониятдан қандай фой-

даланишда. Ютуқларни янада кўпайтириш ва тезроқ жаҳон бозорига ўзимизга хос ва ўзимизга мос мустаҳкам ўринга эга бўлиш лозим. Ҳар йили ўтказиш аниана тусини олган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам аслида ана шу мақсадга йўналтирилгандир. Кўрик-танлов ҳар бир тадбиркор учун туман босқинидан то республика босқинига қадар ўзи ишлаб чиқарган махсулотни намойиш этишда, агар таъбир жоиз бўлса, текин рекламалар. «Ташаббус-2008» кўрик-танловида голибликни қўлга киритиб, Президентимиз совғасига сазовор бўлган «Энг яхши тадбиркор» — Тошкент шаҳридан «AZN» масъулияти чекланган жамият раиси Анавар Назаров, «Энг яхши фермер» — Қашқадарё вилоятидан Амир Файзиёв ва «Энг яхши хўнарама» — Наманган вилоятидан Ваҳабжон Бўтаев «Матиз» автомашиналари билан тақдирландилар. Талаб эса, табиғийки, йил сайин ортиб бораверади. Рақобат ҳам кўчяпти. Бу — бозор томон йўл дегандир. (Давоми 2-бетда).

Истиқлол берган имкон

Анорбой Эгамназаров Гулистон шаҳридаги қўли гул нақшошлардан эди. Аммо оғир дардга чалиниб, умуртка поғонасидан операция қилинган. Тўшакка миҳланиб қолди. Оиланинг моддий аҳоли қийинлашди. Шундай кўнлардан бирини унинг хонадонига «Машрабхон ая» миллий хўнарамандчилик устaxonаси раҳбари Машрабхон опа ташриф буюрди. У касаначилик асосида ишлашни таклиф этганида руҳи чўкиб юрган устанинг кайфияти тоғдек кўтарилиди. Опа унга ёгондан ишланган тайёр махсулотларни юборадиган, уста эса унга нақшларни чизиб берадиган бўлди.

Тадбиркор санамлар

Анорбой дастлаб ётган жойида, сўнг суяниб ўтириб ёғочларга нақш чиза бошлади. Халол меҳнат ортидан оилага кут-баракати кўпайди. Президентимиз унинг «Энг яхши тадбиркор» — Тошкент шаҳридан «AZN» масъулияти чекланган жамият раиси Анавар Назаров, «Энг яхши фермер» — Қашқадарё вилоятидан Амир Файзиёв ва «Энг яхши хўнарама» — Наманган вилоятидан Ваҳабжон Бўтаев «Матиз» автомашиналари билан тақдирландилар. Талаб эса, табиғийки, йил сайин ортиб бораверади. Рақобат ҳам кўчяпти. Бу — бозор томон йўл дегандир. (Давоми 2-бетда).

чўллик ёшларга ўргатмоқчи. Агар бу хайри иш амалга ошса, устaxonада яна 25 та иш ўринлари яратилади. Утган йили Президентимиз Фармонига асосан «Дўстлик» ордени соҳибасига айланган опанинг саъй-ҳаракати билан «Машрабхон ая» устaxonасининг касаначилари 40 нафарга етди. Сирдарё вилоятида тадбиркор аёллар кўпчилики ташкил этилди. Ана шундай тиниб-тинчимас инсонларнинг меҳнати туфайли ўтган давр давомида вилоятда касаначилик асосида 3200 та иш ўринлари барпо этилди. Касаначилар томонидан 707 миллион сўмлик кенг турдаги махсулотлар

ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Воҳада тадбиркор аёлларнинг иш-лашлари учун катта имкониятлар яратиб берилгани ҳам қувончлидир. Яқинда Япониянинг мамлакатимиздаги элчиxонаси томонидан Сирдарё вилояти тадбиркор аёллар уюшмаси қошидаги ўқув марказига 19890 АҚШ доллари миқдоридоғи бераз грант ажратилди. Шунингдек, «Меҳр нури» жамғармаси томонидан мизрачўллик 11 нафар тадбиркор аёл ҳам грант билан таъминланди. Тадбиркор санамлар ажратилган грант маблағларини эвазига фаолиятларини янада кенгайтириб, эл-юрт фаровонлигига ўз хиссаларини қўиш ни-ятидадирлар. Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Ислом КАРИМОВ:

Энг муҳим устувор масала — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.

Бозорларимизнинг тўқкин-сочинлиги



(Боши 1-бетда). — Лекин, сир эмаски, тадбиркорликни шунчаки эрмак, кун ўтказиш учун вақтинча машғулот деб тушунаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар, ўз-ўзидан англашадилки, касабани уюшма хизматидан фойдаланишни, ўзларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялайдиган ташкилотга аъзо бўлишни ҳаёларига ҳам келтирмайдилар. Уларнинг фикрида ўзгариш ясаш учун тарбиёт-ташвиқот ишларида қандай йўл туттиш керак, деб ўйлайсиз?

корхоналар вакилларининг ҳам иштирокини таъминлаш, шу ва шу каби тадбирлар, ўйлашмики, охир-оқибат ўз самарасини беради, албатта. Қарангки, 2007 йилда нодавлат секторга қарашли 263 та ташкилот тармоққа аъзо бўлиб кирган бўлса, жорий йилнинг беш ойида яна 90 та ташкилот касабани уюшмасига аъзоларини маъқул кўрди. Натихада салкам етти минг киши сафимизни тўлдирди. Демак, ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, бунинг учун гайрат-шижоатни бўшаширмадик керак, холос. — Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалайди, деган гап бор. Ҳуқуқий билим ҳам бамисоли устоздир. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардан беҳабар киши ҳар қадамда қўқилиши мумкин. Саудо билан, тадбиркорлик билан шугулланаётган аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан қандай чоралар кўрилмақда? — Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қилган тақдирдагина инсонларвар ҳисобланади. Юрбошимизнинг ушбу сўзлари тўлиғича биз — касабани уюшмалари

Фаровон ҳаёт учун биз ҳам масъулмиз

— Ҳар қандай киши ўз турмушини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, яшаб даражаси мутасил оқсалишини истайди. Уни иш берувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш, ўз вақтида ойлик маошларининг берилишига эришиш ва бошқа низоли масалаларга оқилона ечим топиш, бу касабани уюшма вакилларининг нечоғлик ишбилармонлиги ва омилдорлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ушбу ташкилот фаолият кўрсатаётган жамоаларда бундай муаммоларга йўл қўйилмайдиган, юз берган ҳолатларда ҳам мавжуд жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида адолат устуворлиги таъминланади. Лекин, афсуски, шундоқ ҳам тирриклигимиз ўтиб турибди-ку, нима қиламан оғирмаган бошимга галва сотиб олиб, деб ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Дуппи тор келиб қолганда эса вақт ўтган бўлади, қарабасизки, адолат эришиш аччиқ ичакдек қўзилгандан қўзилиб кетади. Шу боис биз ўз йўлимизни танлаб олганмиз, у — ташаббускорликдир. Касабани уюшмасига жалб қилиш учун ҳодимлар ва корхона раҳбарлари орасида ташвиқот ишларини янада жонлантириш, ушбу макссадлар учун замонвий ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, меҳнат жамоаларида учрашувлар, савол-жавоб кунларини ташкил этиш, бунда давра сўхбати услубларини кўпроқ қўллаш, касабани уюшмаларига оид плакатлар, буклетлар чиқариб, уларни омма йиғилдиридан жойларга тарқатиш, жонли тарғибот сифатида тармоқ ҳодимлари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиш, уларда касабани уюшмаси ташкил этилмаган

этакчилари ва фаолларига ҳам тегишлидир. Ташкилотнинг нуфузини, авваландор, унинг нималарга қодирлиги белгиланади. Аъзоларининг ҳуқуқий билимларини оширишда касабани уюшмаларининг синалган ўз мактаби бор. Модомики, ўки бу масала ечимини топиш зарур бўлганда, аъзолар ўз этакчилари ёки фаолларга мурожаат этар эканлар, биринчи навбатда сўралаётган одамларнинг ўзлари етарли даражада малакага эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу мантиқдан келиб чиқиб, биз ҳар йили ЎзҚУФК Ўқув марказида 50 нафардан зиёд касабани уюшма кенгаши раислари, туман, шаҳар вакилларини ўқутамиз. Жойларда эса ҳўжалик органлари ҳуқуқшунослари хизматидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига оид Президент фармонлари, ҳуқуқ қарорлари ва меҳнат ҳуқуқларига таллуқли масалалар бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳам ишчимизга катта туртки бермоқда. Агарки, бундай тадбирлар икки йил давомида ўттиздан ортиқ ҳудудларни қамраб олганини назарда тутадиган бўлсак, ушбу йўналишдаги ишларимиз қўламини тобора салобатли кўриниш олаётганлиги ўз-ўзидан маъмул бўлади-қўяди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўйлашимча, энг катта самара, бу ўқув марказида тахсил олган ҳар бир ҳодим эгаллаган билимлари юзасидан энг ками бир марта ўзи мустакил равишда ўқув-семинар ўтказиши лозимлигидир. Биз бу билан икки жиҳатдан ютамиз. Биринчидан, ҳуқуқий саводхонлиги ошган аъзолар сонини ортса, иккинчидан, ушбу мажбурий тўртайли ЎзҚУФК Ўқув марказида ташкил этилаётган тадбирга масъулият билан ёндашиш кескин ортади. Ахир қайси тингловчи ўзи бир марта бўлса-

да ўқувчи вазифасини бажараётганда уялиб қолиши хоҳлайди дейсиз! Чўқур билимга эга кишининг эса ҳаммаша ўз тингловчиси бўлади. — Спорт — соғломлаштириш... Маънавий-маърифий ҳаёт... Бу ҳақда гап кетганда, беихтиёр ёшлик шижоати ва умид-орзуларга тўла ёшлар кўз ўнгимизда намоян бўлади. Ёшлар йили муносабати билан қабул қилинган дастур тадбирлари қандай бажарилмоқда? — Бир донишманддан ҳаётнинг мазмуни-моҳияти нимадан иборатлигини сўрашганда, у лўнда қилиб «тажриба» деган экан. Бинобарин, «Ёшлар йили» деб аталмиш 2008 йил ҳам онгу-шууримизда яна бир тажриба сифатида мангуга қолади. Уни фахр-ифтихор билан ёдга олиш учун эса, аризиғлик ишлар такозо этилади. Улар кўп. Бир-бир санаб чиқишнинг эса, афсуски, иложи йўқ. Қолаверса, бундай савобга даҳил юмушлар эндиликда янгилик ҳам бўлмади қолди. Аммо Мирзо Улуғбек туманида «Ёшлар боғи» очилганда қанчалар қувонган бўлсак, «Ер — мулк» кадастр хизмати Заңгитова бўлими жамоаси икки нафар ёшга ўқишларини давом эттириш учун 700 минг сўмдан зиёд контракт пулини ўтказиб берганда, шунчалар қалбимиз жумбушга келганлиги рост. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган Бобобеклар оиласига уй сотиб олишлари учун жамоатчилик асосида маблағ йиғиб берилгани ҳам савоб ишлардан бўлди. Одамийлик сабоқлари деб аташ мумкин бўлган бундай тадбирларнинг ҳар бири касабани уюшмалари нақадар катта кўч эканлигини яна ва яна тасдиқдан ўтказди. Бутгина эмас. Ёшлар йили муносабати билан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган ёш оилалар вакилларига корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 4652,8 минг сўм, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 31 нафар ёш оилаларга эса касабани уюшмалари ҳисобидан 1971,8 минг сўм миқдоридида моддий ёрдам кўрсатилади. Унг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган нақл бор халқимизда. Албатта, «Ёшлар йили» дастури доирасида яна кўплаб ишлар амалга оширилди ва бу иш давом эттирилмоқда. Бир жойда етим-есирлар боши силанган бўлса, бошқа бир ўринда ёшларнинг тарихий шахарларимизга саёҳати уюштирилди, яна бир ҳолатда ёш оналарга ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Ким нима деса десин-у, энг муҳими, маънавий камолот эканлигини эътироф этишимизга тўғри келади. Қолган ҳамма нарсалар ана шу макссадга хизмат қилгандагина сай-ҳаракатларимиз беҳуда кетмабди, дея мануният изҳор қилишимиз мумкин. Утган фурсат ичида 4 корхонада «Маънавият ва маърифат хоналари» Ёшлар йилига мос кўргазмалари воситалар билан тўлдирилди. Ҳодимларнинг асосий қисминини ёшлар ташкил этувчи корхона ва ташкилотларда касабани уюшма аъзолари афзалликларини асослаш бўйича Избоскан, Олтинқўл, Жалолқудж туманларида «Кенгаш кунлари» ўтказилди. Ёшларнинг меҳрини қозонишда хосият кўп. Чўки аждодларга эргашган авлодларнинг келажаги порлоқ бўлади. **Сўхбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ**



Хабар

Тошлоқ туманида бир қатор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Сада қишлоғи ҳудудида жойлашган «Ста пласт» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси жорий йилнинг биринчи чорағида истеъмолчиларга 165 миллион сўмлик 70 дан зиёд турдаги пластмасса маҳсулотлари етказиб берди. Хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Натихада корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. 50 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоа ахли фақат ички бозордагина эмас, балки ташқаридан ҳам ўз харидорига эга. **Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ**

Тадбир

Сирдарё туманидаги «Муқаддас Бунёдор Ишонч» МЧЖ да касабани уюшма ташкилоти тузилди. Дастлабки онларда қоқ маъмурият ва касабани уюшма ташкилоти қўлини қўлга бериб иш бошлади.

Таъсис йиғилиши

Энг муҳими, МЧЖ жуда тез эл эътиборига тушди. Ахир оддий, бозорбоп ва аҳоли талабига мос маҳсулотлар қимга ёқмайди дейсиз. Бугунги кунда жамятда 22 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, 8 нафар касаначилар билан шартнома тузилган. 15 дан ортиқ ёшлар ҳунар ўрганиш учун ўқитилмоқда. Жамят аъзолари эришаётган ютуқлар «Ташаббус-2008» кўрик-танловида ҳам эътироф этилди. Туманда энг яхши тадбиркор йўналиши бўйича биринчи ўрин эгалланган бўлса, вилоят босқичида жамят раиси Халима Баратова энг яхши тадбиркор аёл номинацияси бўйича голиб бўлди. Эндиликда жамятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини чет эллик тадбиркорлар сотиб олишмоқда. Жамят раиси Х.Баратова меҳнатсевар ва тажрибали тадбиркор. Шунинг учун ҳам ишчилар меҳнатини қадрлайди, ёшларга ўз тажрибасини кўнт билан ўргатиб боради. Дарвоқе, жамятда касабани уюшма ташкилоти тузиш истагини у биринчилардан бўлиб билдирди. — Иш сўрашдан аввал меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш зарур, — дейди Халима Баратова. — Хусусан, ёшларимиз компьютер билимининг пухта ўзлаштириши учун шарт-шароит яратилди. Ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишчи касабани уюшма ташкилотининг жамятимизда ташкил этилиши жуда катта фойда берапти. Сабаби иш берувчи ҳам инсон. Муаммоларни ҳал этишга имконият топмаслиги мумкин. Айрим масалалар маслаҳат билан амалга оширилса, макссадга мувофиқ бўлади. Қўшимча имтиёзлар берилиши учун касабани уюшма ташкилоти билан жамоа шартномаси қабул қилинган. Ишонаманки, ҳамкорликда катта ишларни бажарамиз. Янги иш ўринларини яратиш, халқимиз талаби ва дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Яқинда жамятда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида касабани уюшма ташкилоти тузилиб, унинг етакчиси сайланди. Шунингдек, Сайхунобод туманидаги чорвачилик билан шугулланувчи «Турон» хусусий корхонаси ҳамда паррандачилик билан шугулланувчи Бахтиёр Ибрагимов бошлик яқна тартибдаги тадбиркорлар жамоаларида ҳам касабани уюшма ташкилотлари ташкил этилди. **Эргаш БҮРИЕВ, Марказий кенгашнинг Сирдарё вилоятидаги вакили**

Сифатли нон маҳсулотлари
Андижон вилоятида аҳоли дастурхонини нон маҳсулотлари билан таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, «Булоқбоши-Иссиқкўн» МЧЖда бу борада аниқ тадбирлар белгилаб олинган. Айни кунларда мажбурий жамятда 35 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар учун бу ерда барча шароит яратиб берилган. Йил бошидан 120 миллион сўмлик нон ва қандолат маҳсулотлари эл дастурхонига тўхфа этилди.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик
Бурчни унутганлар...
Сафларига 18657 нафар аъзонини бirlаштирган Сурхондарё вилоят вакилининг мавжуд 228 та бошланғич кўмиталар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда залворли вазифаларини адо этиб келмоқда.

Кенгаш номига йўлланаётган аксарият ариза ва шикоятларнинг мазмуни-моҳияти битта. У ҳам бўлса, ҳодим иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганлигидир. Ана шундай ҳолатлар ўрганилганда, баъзи раҳбарлар ўз бурчларини унутиб қўйишгани дилини хира қилади. Термиз шаҳридаги «Равшан» МЧЖ бошқаруви раиси Н.Худойбердиев жамоанинг энг илгор ҳодимлари ҳисобланган М.Алломишев ва В.Евдокимовларга иш ҳақларини ўз вақтида тўламай қолган. Ишчиларнинг қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилган. Бу ҳолат касабани уюшма мутахассислари томонидан ўрганилиб, В.Евдокимовга 100 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди. Термиз «Марказий» дехқон озиқ-овқат бозори фаррошлари Б.Тилавова, Т.Хуррамова, С.Атамуратовалар

ҳам иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганлиги сарсон-саргардон бўлиб юришган. Касабани уюшма аралашуви билан бесабаб тўланмай келинаётган иш ҳақи ундириб берилди. Термиз шаҳар шўба улгурчи чакана саудо корхонаси директори У.Туракулов ҳам котиб лавозимида ишлаётган Х.Исмоиловага нисбатан ноқонуний иш тутди. Яъни, Х.Исмоилованинг ҳомилидорлик таътили даврида унинг иш жойига бошқа кишини олиб, иш ҳақи ҳамда туғиш таътили нафақасини тўламай келаятганлиги ҳақидаги аризага ҳам ўзининг ижобий ечимини топди. Х.Исмоилованинг иш ҳақи, туғиш нафақаси, мажбурий бекор юрган кунлари учун ўртача иш ҳақи тўлашига амалий ёрдам берилди. Яна, шундай ҳолатлардан бири Термиз Дехқон бозори маъсулияти чекланган жамяти ишчи-ҳодимлари Х.Расулова ва Д. Ҳасановларнинг бошига тушди. Уларнинг манфаатларини қўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судида иштирок этишимизга тўғри келди. Ҳар иккала ҳодим иш жойига тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундирилди. Умуман, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўлашига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгашнинг 2003 йил 2 июндаги «Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясига бирлашган касабани уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлиқни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби» асосида иш ҳақларини ўз вақтида тўлаши юзасидан ҳаракатларимизни бир зум бўлсин бўшаширмаймиз.

Бозор... Ҳар сафар шу сўз такрорланганда она табиятнинг инсонга тўхфа этган ноз-неъматлар тўла пештахталари ва албатта миришкор дехқонларимизнинг ўз меҳнатидан манмулик бўлиб турган очик чехралари кўз олдимизга келади.

Спорт Тадбиркорлар беллашуви
Ўзбекистон саудо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тадбиркорлар касабани уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти вакилининг ҳамда вилоят касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамяти кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар йили» тадбирлари Дастурига биноан вилоят «Таъминотсавдо» ассоциацияси тизими ҳодимлари ўртасида «Саломатлик» спорт мусобақаси ўтказилди. Ундан макссад ёшларни ҳар томонлама жисмоний ва ақлий баркамол этиб тарбиялаш, спорт турлари бўйича кучли жамоалар тарқибини ташкил этишдир. Баҳсларда жамаи 46 нафар спортчи стол тенниси, шахмат, шашка, врикрестлинг ва дарте турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Бу мусобақаларда, айниқса, вилоят «Таъминотсавдо» ассоциацияси бошқаруви жамоаси, Булуғгур, Нарпай, Нуробод, Самарқанд, Пайарик, Оқдарё, Тайлоқ, Ургут, Каттакўрган, Жомбой туман саудо ишлаб чиқариш кооператив спортчилари фаол катнашдилар. Фахрий ўринларни эгаллаган жамоалар ва голиб спортчилар Марказий кенгашнинг вилоят вакилининг дипломи ҳамда қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди. **Ўз муҳбиримиз**



Суратларда: новий Маҳкамбек Аҳмедов; «Булоқбоши иссиқкўн» маъсулияти чекланган жамятига қарашли нон дўкони; Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

дастурхошимиз кўрки, рўзгоримиз бутмаги

БАНДИК

Бундан бир-икки йил илгари соҳамиз ходимлари, ҳамкасбларимиз билан суҳбатларимиз мавзуси тармоқлардаги аъзолар ҳақида борганда, ўзимни бироз ноқулай ҳис этардим. Чунки вакилликимизда касба уюшма аъзоларимиз сони айрим тармоқларга нисбатан анча кам эди.

Аъзолар сони ортимоқда демак, муаммо ўз ечимини топяпти

Фаолларимиз билан бир-галикда аҳолини ўнглаш учун амалга оширган чора-тадбирларимиз самарасиз кетмади. Тармоғимизга дахлдор корхона, ташкилот, муассаса ва хунармандлар уюшмаси каби таянч нуқталарда бўлиб, меҳнат жамоалари ўртасида касба уюшмаларининг аҳамиятини, афзалликларини тўлағичча тушунтиришга уринганимиз ўз самарасини бера бошлади. Шу ўринда мамлакат Президентининг «Ийрик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айни мудида бўлди. Натигада аҳоли даромадларини ошириш, бандликни таъминлашда янги имкониятлар юзга келди.

Бугунги кунда Бухоро хунармандларидан 32 нафари Ўзбекистон Бадийи академиясининг аъзоси. Зағфар Алишер Хайдаров, каштадўз Аҳмад Арабов, пичқосоз Сайфулло Икромов, гилам тўқувчи Фатилло Кенжаев, наққош Салим Хусановлар ЮНЕСКОнинг сифат сертификатини олишга муяссар бўлишган. Жорий йилнинг ўзида ёғоч ўймакорлиги устаси Озод Ашуров «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг республика босқичида катнашиб, совриндорлар сафидан ўрин олди. Шунингдек, уюшманинг 6 нафар аъзоси АКШ, Германия, Франция, Туркия, Қозоғистон давлатларида бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ана шундай ҳолатларнинг ўзи ҳам тармоқда аъзолар сонининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда касаначиликни ривожлантиришга бўлган эътибор ўзини оқляпти. «Ўзкарпет» қўшма корхонасида 30 нафар касаначи иш ўрни яратилди. «Бухорогўшт-сутсадо» очик акционерлик жамиятида ҳам 10 нафар ходим худди шу усулда иш бошлади. Корхона ишчи-ҳодимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, ойлик маошларини ўз вақтида тўлаш, иш шaroитларини янада яхшилаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бундай ибратли тадбирларни «Бухоро Голден Фрут» қўшма корхонаси, «Гала Осий» ширин мевалар ташкилоти ва бошқа бир қанча жамоалар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Кўшма корхонада бошланғич ташкилот Ишчи-хизматчилар мустақкам ижтимоий ҳимояланган

Вилоят ҳокимлигининг йилнинг биринчи ярим йиллигида санаот ишлаб чиқариш яқунларига бағишланган йилгилишида эришилган натижалар таҳлил этиларкан, «Марвел-Джуско», «Ок олтин», «Голдун-Фрут» қўшма корхоналари фаолияти мамнуният билан тилга олинди. Ушбу санаот тармоқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, махсулот ҳажминини кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, самарадорликка эришишда яхши натижалар қўлга киритилган. Энг муҳими, истеъмолчилардан кўпбал миқдордаги хатлари олинган. Муҳимиримиз Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси Зокиржон Тўраевдан шу ҳақда батафсилроқ сўзлаб беришни илтимос қилди.

Хунармандчилик йўналишлари ранг-баранг. Мустақиллик шарофати туфайли ҳар бир кишига ота-боболаримиздан мерос қолган касб билан шуғулланиш имконияти қайтариб берилди. Айни пайтда хунармандлар ўз истеъдодларини ишга солиб, қадимий анъаналар асосида яратилган санъат асарларини бутун дунёга кўз-кўз қилишмоқда.



Савдо, матлубот кооперацияси ва тадбиркорлар касба уюшмаси Хоразм вилояти вакили Бахтиёр Ибрагимов белбоғи кураш вилоят Федерацияси раиси ҳам. Умуман, вилоятда бирон спорт тадбири унинг иштирокисиз, тавсияларисиз ўтмайди.

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгаши вакили Йўлдош Саидов Қарши шаҳар Буюм бозори очик акционерлик жамияти раҳбариятига жонли таклиф билан чиқди.

Бозорда юзлаб тадбиркорлар савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишди. Бироқ ҳозирга қадар касба уюшма ташкилоти тузилган эмас. Агар бошланғич ташкилот фаолияти йўлга қўйилса, хайрли иш бўлар эди.

Бундан уч йил муқаддам тадбиркорларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Буюм бозорига бошланғич ташкилот тузилди. Унга одамлар билан ишлаш соҳасида катта тажриба ортиртган фидойи ва тиниб-тинчимас аёл, шаҳар тадбиркорлар жамоатчилиги кенгаши раиси Манзура Хасанова етакчи қилиб сайланди.

Бозорда ишлаётганларга қулай шaroит яратиш, тузилган жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлаш учун ташкилотчилик ва ташаббускорлик

Ишбилармонлар сафларини кенгайтиришмоқда

кўрсатишяпти. Касабақўм раиси Манзура Хасанова Бўритош Шокирова, Гулбахор Баратова, Соҳида Салоҳиддинова каби ҳамкасблар билан бамаълаҳат иш тутиб, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш учун сира тиним билмайди.

Иш деган бундай бўлибди!

Касабақўм ташаббуси билан Харамжўй маҳалласидан Музроҳон Ражабов, София Гелдиева, Беглар маҳалласидан Артур Валитов каби ногиронлардан ҳол-аҳвол сўралиб, кўнгил олинди.

субъектларида бошланғич касба уюшма ташкилотлари тузилган. Вакиллик бўйича 80 дан ортиқ ташкилотларда иш берувчилар билан жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, белгиланган имтиёзларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Тармоқда ишлаётган 12800 дан зиёд ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборда турибди. Жамоа шартномаларига меҳнат кодекси талабларига мос равишда 20 дан ортиқ қўшимча имтиёзлар киритилган.



Фаолларимиз бор бўлсин

зилган ёшлар ва қизлар ўртасидаги 2-вилоят очик турнири издан зиёд иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Меҳнат муҳофазаси

Кўза кунда синади

Тармоғимиздаги корхона ва ташкилотларнинг фаолияти турлича бўлиб, уларнинг аксарияти савдо-сотиқ, умумий оқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлиб, шу билан бир қаторда тикувчилик, озиқ-овқат махсулотлари, салқин ичимликлар, кундалик эҳтиёж моллари, техника воситаларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналардир.

Соғлом турмуш тарзи

уни жисмоний тарбиясиз тасаввур этиш қийин

совриндори бўлган. — Уюшмамиз аъзолари ишбилармон кишилар. Вақтлари тигиз. Гоҳида касал ҳолда ҳам фаолиятини давом эттиришларига тўғри келади. Мен уларга соғлом турмуш тарзи талабларига қатъий риоя қилиш кераклигини кўп таъкидлашди. Бунга эса спортсиз эришиш қийин, — дейди Бахтиёр оға.

Равшан РАҲИМОВ, Ташкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси кенгашининг етакчи мутахассиси



Mustaqillikning 17 yilligi oldidan
Баркамол авлод — миллат келажаги

Вилоят аҳолисининг 1 млн. 672 минг нафарини ёки 67 фоизини ёшлар ташкил этади. Президентимиз воҳада бўлганида Қарши шаҳридаги маданият ва спорт-соғломлаштириш марказини бориб кўриб, ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилди.

Китоб жавонингизга

Соҳага оид муҳим қўлланма



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинганлиги ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилганлиги муносабати билан судья, прокурор, терговчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходимлари, адвокатлар, юридик олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган илмий-амалий қўлланма ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва фермер хўжалиқлари диққати!
«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти
Россия Федерациясининг ВАЗ русумидаги барча автомобилларини нақд пулга сотишни маълум қилади.

Қашқадарё вилоти Истиқлол нури

олиш машғулоти уюштирилди. Алишер Навоий номидаги марказий ва болалар истироҳат боғлари, Журналистлар уйи, вилоят телерадиокомпанияси биноси, амфитеатр, Сайидо Насафий номидаги ахборот-кутубхона ресурс маркази, вилоят муסיқали драма театри, олимпия захиралари коллежи, 20 минг ўринли стадион ва бошқа иншоотлар шахар чиройига қирий қўшиб турибди.

Яратиш завқи

Айни пайтда вилоятда истиқлол байрами арафасида юздан зиёд катта-кичик иншоот фойдаланишга топ-

ширилади. Масалан, Қарши шаҳрида ҳар бири 32 хонадонли иккита турар-жой биноси бунёд этилиб, унда ёш оилалар ҳовли тўйлари ўтказиладилар. Бугунги Қашқадарё улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Мамлакатимиз бўйича қазиб олинаётган табиий газнинг 88, нефтнинг 93 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Китоб туманида цемент ва ўта чидамли гишт, Яқкабоғда чини ва шиша, Фузурда керамзит, Қамаш туманида гипс хомашёси захиралари мавжуд. 2009 йилнинг иккинчи ярмига бориб Деҳқонобода қалийли ўғитлар заводи фойдаланишга топширилади ва қорхонада йилига 200 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, 2

мингта янги иш ўрни яратилади. Худуддан ўтган «Тошғуз-Бойсун-Қумқўрган» темирўлининг очилиши воҳанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, янги ер ва конларни ўзлаштириш учун беқиёс имкониятлар яратади. Белгиланган дастурга мувофиқ 2008 — 2010-йилларда вилоятга 3 трлн. 761



млрд. сўмлик инвестиция киритилиши қўзда тутилган. Жумладан, Муборак газни қайта ишлаш заводида суўлтирилган газ хажмини кўпайтириш учун икки йил ичида 300 млрд. сўмлик сармоя жалб этилади. Хорижий сармоялар асосида ишлаётган «Яқкабоғ-Текстил», «Оқсарой тўқима» ЛТД, «Cotton Road» текстил мажмуаси, маҳаллийлашти-

риш дастури асосида фаолият кўрсатаётган «Қарши-радиатор» қорхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Бугунги кунда Шўртан газ-кимё мажмуаси, «Яқкабоғ-Текстил» кўшма қорхонаси, «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти каби йирик саноат мажмуалари 20 дан ортқ турдаги маҳсулотни хорижа экспорт қилмоқда. Қўшма қорхоналар сони 60 дан ошиб кетди.

Саратон офтоби олов пурқатган айни кунларда вилоятдаги 30 мингдан зиёд деҳқон-фермер хўжалиқлари далада иш қизғин. Улар 750 минг тонна дон, 450 минг тонна пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Китоблик фермер Алишер Бойқароев таъкидлаганидек, мустиқиллик миллати, тили, динидан қати назар, ҳар бир юртдошимиз қалбида овоз ва обод диёри билан фахрлини ҳиссини, ватанга муҳаббат туйғусини юксалтиради.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири



Спартакиада

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмалари Бухоро вилоят кенгаши ташкилотларида спортнинг оммавийлигини таъминлаш учун мунтазам равишда мусобақалар, спартакиадалар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирларнинг бири агроиқтисодиёт касб-хунаро коллежида ташкил этилди. Кўплаб меҳнат жомолари вакиллари спортнинг энгил атлетика, стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Қизгин бахслар остида ўтган курашларда «Бухороёв» ҳиссадорлик жамияти жамоаси биринчи, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси ва Аму-Бухоро Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси спортсеварлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

С.Назарова (иқкаласи ҳам Аму-Бухоро ирригация тизими ҳавза бошқармасида, стол тенниси), Г.Ядгарова (насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси, шахмат), Д.Қўлдошев (Аму-Бухоро ирригация тизими ҳавза бошқармаси, шахмат), Ж.Бадриддинов («Бухороёв» х/ж, шашка), Ҳ.Раҳматова (Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси, шашка) юқори натижаларга эришди.

Болта ҒАФФОРОВ, мусобақа бош ҳақами, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий

Таассуротлар олам-олам

Боланинг бегубор кулгиси кўнгилни яйратади. Табиийки, ёзги таътил кунлари бундай қувончга кўпроқ гувоҳ бўлиш мумкин. Оромгоҳларда турил-туман тадбирлар ўтказилишидан мақсад ҳам шу. Чимёндаги «Алгоритм» оромгоҳида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган наватдаги оромгоҳларда спартакиада таассуротларга бой бўлди. «Тошкент трактор заводи» ОАЖнинг «Билдирсой», «Ўзэлектроаппарат-электротриш» кўшма қорхонасининг «Зафар» ҳамда «Тошнфтгазмахсускурлиш» ОАЖнинг «Чотқол» оромгоҳларидан ташриф буурган болалар энгил атлетика, мини-футбол, волейбол бўйича беллашди. Ниҳоят натижалар эълон қилинди. Умумжамоа ҳисобида «Алгоритм» жамоаси 1-ўринга сазовор бўлди. 2-ўрин «Билдирсой», 3-ўрин эса «Зафар» жамоасига насиб этди. Фолблар ва иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳидоят ЖўРАЕВА, «Ishonch» мухбири



Ёз ўтмоқда соз

Бола кулса, олам кулади

Ёшлар йилида Сирдарё вилоти бўйича 3300 нафар болани шаҳардан ташқаридаги 7 та ва мактаблар қошидаги 13 та ёзги оромгоҳда дам олдириш режалаштирилган. Бугунга қадар коллеж ва лицейлар қошида очилган оромгоҳларда 980 та бола дам олиб қайтди.

Сайхунобод туманидаги «Камалак» боғча-мактабидаги оромгоҳ май ойининг адоғида тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 80 нафар фарзандларини қабул қилиб олди.

Оромгоҳ маъмурияти болаларнинг ҳар бири кунини эсда қоладиган тарзда ўтказишга ҳаракат қилди. Бир-бирдан мазмунлироқ маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларида дам олувчилардан ташқари ота-оналар ҳам фаол иштирок этди.

Оромгоҳда болалар ўртасида ўтказилган миллий кураш ва шашка бўйича бахслар, айнқса, қизиқарли кечди. «Камалак» боғча-мактаби қошида бир неча йилдан буён қўғирчоқ театри фаолият юритади. Унга Григорий Лобр раҳбарлик қилади. Таътил кунлари ёш санъаткорлар репертуаридаги энг сара асарларни намойиш қилиб туришди. «Мадина-Гулноза» фермер хўжалиги 80 нафар боланинг Гулистондаги маданият ва истироҳат боғига саёхатини ташкил қилиб берди.

Оромгоҳнинг иккинчи навбатига ҳам 80 нафар болани қабул қилдик, — дейди Сайхунобод тумани таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси кенгаши раиси Тўхтабой Фаниев. — Уларнинг ҳам рисоладагидай дам олиши учун барча кулайликлар яратиб берилди. Яқин кунларда яна 80 та бола Сирдарё бўйидаги «Бургутча» оромгоҳига йўл олади. Таътил пайти мириқиб дам олган фарзандларимизнинг кучига куч қўшилиши тайин. Мухаммад Али АҲМАД, журналист



Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir: Abdusolih Abdurazzoqov
Tahrir haq'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADIYEV, Jahongir SHAROFBOYEV, Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFAOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV
Bo'limlar: Kasaba uyushmalari haqoti, Nuqqa va xalqaro haqot, Ijtimoiy-iqtisodiy sigosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Gazeta nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.